

**Бюджетдан молиялаштириладиган  
барча вазирлик, идоралар  
ва муассасалар раҳбарларига**

Коронавирус пандемияси даврида бюджет ташкилотларида ишловчи ходимларнинг иш ҳақларини тўланиши юзасидан келиб тушаётган кўплаб мурожаатлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги қуидагиларни маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 19 мартағи ПФ-5969-сонли Фармонининг 17-бандида Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ва ўз фаолиятини тўхтатган мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус ва олий таълим муассасалари, спорт ва маданият муассасалари ходимларининг иш ҳақларини ўз вақтида тўлаб берилишини таъминлаш белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, Давлат бюджетидан молиялаштириладиган, шу жумладан ўз фаолиятини тўхтатган мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус ва олий таълим муассасалари, фан, спорт, маданият муассасалари раҳбарлари:

**ушбу муассасаларда ишлайдиган ходимларнинг 2020 йилнинг апрел ойи учун иш ҳақи тўловларини б майга қадар тўлиқ тўлаб берилишини;**

карантин муносабати билан ташкилотнинг иш фаолияти тўлиқ ёки қисман тўхтатилиши сабабли, шунингдек ходимнинг лавозим мажбуриятларининг хусусиятларига ёки бошқа сабабларга кўра ўз вазифасини масофавий иш режимида, мослашувчан иш графигида ёки уйда ишлашга ўтказиш имкони бўлмаган ҳолларда унга **асосий лавозим маошидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўланишини таъминласин.**

Карантинга оид чоралар амал қилиш даврида ходимларни, шунингдек, масофавий иш режимида, мослашувчан иш графигида ёки уйда ишлашга ўтказиш имконияти бўлмаган ҳолларда ҳам иш ҳақи сақланмаган ҳолда меҳнат таътилига юбормаслик ҳамда ушбу масалага тегишли қабул қилинган олдинги буйруқларни қайта кўриб чиқиши тавсия этилади.

**Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазири**



Т. Ишметов

2020 йил “4” май  
01/05-12-02-3278-сон

**Ўзбекистон Республикаси  
Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазири**



Н. Хусанов

2020 йил “4” май  
01/05-01/09-4074-сон